ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ТИЗИМИ

Онахон Маннoповна Жабборова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика ўқитувчи

Севара Элёр қизи Бахтиёрова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика талаба

АННОТАЦИЯ

Мақолада бошланғич таълим йўналишининг хорижий тилларни ўқитиш жараёнида янгича ёндашувлар тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари, методлари ҳамда амалий аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада муаммо бўйича методик тавсиялар тақдим қилинган.

Калит сўзлар: бошланғич, таълим, хорижий, тил, ўқитиш, ёндашув, тизим, амалиёт, кўникма, метод, малака, билим.

NEW SYSTEM OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING IN PRIMARY EDUCATION

Onakhon Mannopovna Jabborova
Teacher, Chirchik State Pedagogical of Tashkent region

Sevara Elyor kizi Bakhtiyorova
Student, Chirchik State Pedagogical of Tashkent region

ABSTRACT

The article analyzes the system of new approaches in the process of teaching foreign languages in the field of primary education and its specific features, methods and practical significance. The article also provides methodological recommendations on the problem.

Keywords: beginner, education, foreign, language, teaching, approach, system, practice, skill, method, qualification, knowledge.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорида бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитиш ва уларнинг дастлабки нутқий малакасини шакллантириш вазифаси қўйилган. Мазкур вазифа доирасида янги методик тавсиялар, кўрсатмалар ва ўқув материаллари ишлаб чиқиш долзарб бўлиб турибди.

Бошланғич таълимда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий иш тиллари бўлган инглиз, рус, француз, испан ва араб тилларини ўқитиш, мазкур халқаро тиллар гуруҳи воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг тилларни ўрганиш кўникмасини хозирги замон талаблари асосида шакллантириш вазифаси турибди. Шу сабабли 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитишнинг янги ўқув дастури, ўқув материаллари ва луғатлар амалга киритилди. Мазкур янги ўқув матираллари давлат талаблари даражасида тайёрланган бўлиб, унда бошланғич синф ўқувчиларининг ёш, жисмоний, ақлий, руҳий ва эстетик хусусиятлари ҳисобга олинган. Айни пайтда, яратилаётган янги ўқув материалларини ва хорижий тилларни ўқитиш жараёнини тизимлаштириш муаммоси мавжуд. Чунки тизим хорижий тилларни бошланғич синфларда ўқитишнинг ўзига хос шаклларини ишлаб чиқиш ва унда ўқувчи шахсининг имкониятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Шу сабабли бу ўринда бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишга доир янгича ёндашувлар тизими масаласига эътиборингизни тортамиз.

МЕТОДОЛОГИЯ

1. **Кластер тизими**. Бу тизим хорижий тилларни бошланғич синфда қуйидагилар асосида ўқитишни назарда тутади:

- хорижий тиллар ўқув материалларининг ўзаро ички боғлиқлиги ва уларнинг бошланғич таълим ўқув фанлари билан алоқадорлиги;
- хорижий тилларни ўқитишда мутахассис ўқитувчилар гуруҳининг иштирок этиши ва уларнинг ягона дидактик воситаларга асосланиши;
- хорижий тилларни бошланғич синфларда “Мактаб-лаборатория” майдончалари воситасида ўқитиш;
- хорижий тилларни ўқитишнинг аниқ ва мақбул шаклларини амалиётга тадбиқ этиб бориш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

Бу тизим ўзаро гуруҳлараро боғлиқликда хорижий тилларни амалий жиҳатдан ўқитишга йўналтирилган бўлиб, у асосий хорижий тил ўқитувчиси томонидан бошқарилади ва мувофиқлаштирилади. Айни пайтда, бошланғич синф ўқувчиларининг хорижий тилларни ўзлаштириш кўникмаси қатъий талаблар асосида эмас, балки ижодий фикрлаш воситалари асосида шакллантирилади. Мазкур тизимда ўқувчи, ўқитувчи ва мутахассислар гуруҳлари тенг ҳамда фаол иштирок этади. Тошкент вилояти Чирчи қдавлат педагогика институтида кластер тизимининг илмий-методологик асослари тажриба-синовдан ўтказилган, мазкур тажрибадан бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитишда оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. **Вертуал тизим.** Бу тизим компьютер, модул алоқа воситаларига асосланган бўлиб, унга ўқитувчи томонидан хорижий тилларни ўқитиш дастури асосида ўқув материаллари киритилади. Бу материаллар оддийдан мураккаб томон тамойили асосида жойлаштирилади. Вертуал тизим мураккаб шароитларда бошланғич синф ўқувчиларига хорижий тилларни кутилган даражада ўқитиш имконини беради.

Вертуал тизимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, 6-11 ёшли ўқувчилар компьютер воситасида ўқитилаётган машғулотлар жараёнига қизиқиш билан ёндашади. Шунингдек, дарс жараёнини турли анимацион воситалар, мультимедияли топшириқлар ва тасвирли харакатлар ёрдамида олиб бориш имконини беради. Бу тизимда компьютер асосий ўқитиш воситаси бўлганлиги учун машғулотлар ва дарс жараёни ўқувчилар учун қизиқарли ўтади. Айни пайтда, вертуал тизимнинг ягона камчилиги ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқ баҳолаб бўлмаслигидадир. Мисол учун, ўқувчилар берилган луғатларни ёдлаб олиши мумкин ва уни компьютер воситасида овозли тарзда ўқитувчига узатади, бироқ, ўқувчилар уларни гап тузишда ишлата олиш даражаси мавҳумлигича қолади. Чунки ўқувчи вертуал тизимда мулоқотга киришаётганида катта ёшлиларнинг ёрдамидан ҳам фойдаланиши эхтимоли бор. Шунингдек, вертуал тизимнинг имкониятларидан вақти-вақти билан хорижий тилларни ўқитишда фойдаланиш кутилган самарани беради.

3. **Масофавий таълим тизими.** Мазкур тизим масофали таълим технологиясига асосланган бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларни оилада туриб ўқитиш имконияти мавжуд ва бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаш имконини беради;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

- ўқув материалларини янгилаб бориш, тўлдириш ва луғатлар қатламини бойитиш имкониятлари мавжуд;
- бу тизим ўқувчилар вақтини аниқ белгилаш ва назорат қилиш имконини беради;
- ўқитувчининг вақт омилидан оқилона фойдаланиши ва тил ўргатишнинг мулоқот шаклига устувор даражада амал қилишига шароит беради;
- мазкур тизим масофавий таълим технологиясининг ўзига хос шаклидир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хорижий тилларни ўқитишнинг масофавий таълим тизими ўқувчилар билан индивидуал ва амалий машғулотларни хохлаган муддатларда ўтказиш имкониятларига эга. Шунингдек, мазкур тизим ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини умуммулоқот воситалари асосида шакллантириш шароитларига эга. Тизим ҳам вертуал тизим сингари мураккаб шароитларда дарс ва машғулотларни кутилган даражада ўтказиш имконини беради.

Зеро, ҳозирги замон бошланғич таълимида хорижий тилларни ўқитишнинг нисбатан янги тизимларини амалиётга жорий этиб бориш зарурият бўлиб турибди. Кўрсатиб ўтилган тизимлар бошланғич таълимга бир эмас, бир неча хорижий тилларни ўқитиш имкониятини беради. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида чет тили ўқитувчиларини тайёрлашда қуйидагиларга аҳамият бериш долзарб бўлиб турибди:

- бир неча хорижий тиллар билан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини қуроллантириш;
- хорижий тилларни ўқитишдаги амалий шаклларини янги назарий тушунчалар ва билимлар билан бойитиш асосларига кўниктириш;
- хорижий тилларни ўқитишнинг янгича тизимлари, методлари ва технологиялари билан қуроллантириш;
- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг компетенциясини кутилган даражада шакллантириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳозирги кунда мазкур масаланинг амалий хусусиятларига устувор даражада аҳамият берилмоқда. Айни пайтда, ўқувчилар хорижий тилларни онгли равишда ўзлаштириши, яъни ўрганилаётган тилнинг табиати ва грамматик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

хусусиятларидан хабардор бўлиши керак. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқувчиларининг хорижий тилларда ёзиш малакасини шакллантириш ҳам муҳим ҳисобланади. Буларнинг барчаси танланган тизим асосида амалга оширилади. Эътибор берилса, тизим хорижий тилларни ўрганиш, луғат бойлигига эга бўлиш ва ўрганилаётган тилнинг табиатидан хабардорлик жараёнларини ягоналаштиради, йўналтиради ҳамда унинг натижаларини кузатиб боради.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш тизими бўйича илмий ишланмалар етарли эмас. Шу сабабли бунда қуйидагиларга аҳамият бериш самарали бўлади:

- хорижий тилларни ўқитиш тажрибасига эга бўлган ўқитувчиларнинг фаолиятини оммалаштириш ва уларнинг тажрибасини китоблар шаклида тизимлаштириш;
- олий педагогик таълим жараёнида бўлажак чет тили ўқитувчиларининг илмий иш олиб бориш лаёқати ва кўникмаларини шакллантириш;
- хорижий тилларни бошланғич синфларда ўқитишга доир хориж тажрибаларини ўрганиш;
- энг тажрибали ўқитувчиларнинг фаолиятини тажриба-синов майдонлари учун тақдим этиш.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитиш жараёнига тизимли ёндашишни кучайтириш зарурият бўлиб турибди. Бунинг учун назарий ва амалий ёндашувларни уйғунлаштириш керак бўлади. Бошланғич синфларда хорижий тилларни ўқитишнинг кластер, вертуал ва масофавий таълим тизимлари педагогик тажрибалардан ўтган бўлиб, уларнинг натижалари адабиётларда таҳлил этилган. Шу сабабли биз мазкур уч тизимдан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Бошланғич таълимда хорижий тилларни ўқитишнинг тизимли ёндашувлари муаммолари изчил ўрганилиб борилиши, уларнинг ечимлари топилиши ва оммалаштирилиши бу жараёндаги педагогик амалиётнинг самарали бўлишини таъминлайди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрида”ги Қарори.//”Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 7 ноябрь сони.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00505

2. Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси.-Т., 2021.
3. Мардонов, Ш. К., & Жаббарова, О. М. (2020). ЗАДАЧИ УРОКОВ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 862-870.
4. Tojiboeva Gulmira Rifovna, Pulatova Dildora Turgunovna. Pedagogik kompetentlik: nazariya va amaliyot. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 209-215.
5. Мусурмонов Рахматулла, Мусурманова Малуда. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда инновациялар. Academic research in educational sciences, Issue 3, 2020, pp 777-783.
6. Karimjonov Alijan, Jabborova Onakhon Mannapovna. Improvement of claster training system. Academicia An international multidisciplinary research journal, Kurukshetra (India), 2020, Issue 10, pp. 584-589.
7. Jabborova Onaxon Mannapovna, Umarova Zuhra Abduraxmanovna. Pedagogical conflicts in primary school students - as an important social-pedagogical problem. Solid State Technology, Great Britain, 2020, Issue 6, pp.235-241.
8. Abdullayeva B.P., Abdullayev F. Organization Of Swimming Lessons In Preschool Institutions. The american journal of social science and education innovations. July 2020 pp.322-330. Volume 02, Issue 07-42
9. Жабборова, О. Н., & Умарова, З. А. (2021). “ТАРБИЯ” ФАНИНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 582-587.
10. Жабборова, О. М., & Чимпулатова, Ч. Д. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА “ТАРБИЯ” ФАНИНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИЛИШИ. Academic Research in Educational Sciences, 2(1), 562-566.
11. Жабборова, О. М., & Тошпулатова, Д. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 575-582.
12. Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДИДАКТИКАСИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(2), 556-562.
13. Ochilov Fariddun Izatulloyevich, Methods of teaching natural sciences to primary school pupils on the basis of a competent. Palarch’s Journal Of Archaeology Of Egypt / Egyptology 17(6) (2020), ISSN 1567-214x. 14520-14539 бетлар.
14. Fariddun Izatulloyevich Ochilov, “Atrofimizdagi olam” va “Tabiatshunoslik” darslarini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish jarayonini modellashtirish. The Journal of Academic Research in Educational Sciences, 1(4), (2020). ISSN 2181-1385. VOLUME 1, ISSUE 4. December 2020. Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804. Academic Research, Uzbekistan 2020. 624-629 бетлар.